

journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>

CREATION OF TOURIST CARD PROGRAM AND REQUIREMENTS FOR IT

Sadriddin Sh. Siddikov

basic doctoral student

Research Institute of Environment and Nature Protection Technologies
Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: recreation, tourism, mathematical basis, cartographic image, tourist route

Received: 21.07.24

Accepted: 23.07.24

Published: 25.07.24

Abstract: This article provides information on the types of tourist cards, their purpose, function, conditional symbols, the mathematical and geographical basis of the card, generalization and description methods on the tourist card.

ТУРИСТИК КАРТА ДАСТУРИНИ ЯРАТИШ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Садриддин Ш. Сиддиков

таянч докторант

Атроф мұхит ва табиатни мухофаза қилиши технологиялари илмий-тадқиқот институти
Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: рекреация, туризм, математик асос, картографик тасвир, туристик маршрут

Аннотфия: Мазкур мақолада туристик картанинг турлари, мақсади, вазифаси, шартли белгилари, картанинг математик ва географик асоси, туристик картада генерализация ҳамда тасвирлаш усуллари ҳақида маълумот берилган

СОЗДАНИЕ ПРОГРАММЫ ТУРИСТИЧЕСКИХ КАРТ И ТРЕБОВАНИЙ К НЕЙ

Садриддин Ш. Сиддиков

основной докторант

Научно-исследовательский институт окружающей среды и природоохранных технологий
Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: отдых, туризм, математическая основа, картографическое изображение, туристический маршрут

Аннотация: В данной статье представлена информация о видах туристических карт, их назначении, функциях, условных обозначениях,

математической и географической основе карты, методах обобщения и описания на туристической карте.

КИРИШ

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизнинг айрим тоғли худудларида мобил телефонларнинг алоқа сифати кўнгилдагидек эмас. Мазкур ҳолат туристик ва бошқа ҳаракатларда мобил алоқа воситаларидан эмас, балки, карталардан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Натижада туризм соҳасида ҳам босма ва электрон карталарга бўлган талаб ортиб бормоқда. Умуман, бугунги кунда туроператорлар ва сайёхлар карталар ёрдамида қуидаги ишларни амалга оширишлари мумкин:

рекреацион-туристик обектларнинг жойлашуви, чегаралари, майдонлари, релефи ҳакида умумий тушунча олишлари;

карта ва ундаги обектлар жойлашувига қараб уфқ томонларини аниқлаши;

муҳандислик лойиҳалаш ишларида;

илмий тадқиқот манбай сифатида;

туристик маршрутлар ва экскурсияларни ишлаб чиқишида ва ҳ.к.

Туристик карталар туризм ва сайёхлик ҳизматидан фойдаланмоқчи бўлганларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ҳизмат қиласиган карталардир. Туристик карталар миллий боғлар, аҳоли пунктлари, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, савдо ва кўнгилочар обектлар, оромгоҳлар, санаториялар, туристик маказлар, овқатланиш масканлари, табиат ёдгорликлари, маданий мерос обьектлари, музейлар, археологик топилмалар, пиёда сайр сўқмоқлари, чанғи учиш майдонлари, транспорт йўллари ва бошқаларни акс эттириши мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Туристик картанинг таркибий қисми ва тузиш методикаси. Туристик карталарнинг мазмуни ҳудудда жойлашган туристик обектлар, ҳудуднинг топографияси, геосиёсий вазияти, аҳоли сони ва аҳоли манзилгоҳлари, ижтимоий-иктсиодий ривожланганлиги, ҳудуднинг табиий географик шароити ва экологик ҳолатлари инобатга олинган ҳолда тузилади.

Туристик карталар мазмунига кўра мавзули карталар гурухига мансуб бўлиб, 5 та таркибий қисмдан ташкил топади. Булар математик асос, картографик тасвир, легенда, қўшимча маълумотлар, ёрдамчи жиҳоз.

Туристик карталарнинг математик асоси картографик проексия ва у билан боғлиқ координата тўри (ёки тўрлари), масштаб ва геодезик асосдан иборат бўлади. Картанинг компоновкаси ҳам унинг математик асос элементига киради. [1].

Картографик тасвир географик асос ва картанинг мазмунидан иборат бўлади. Туристик картанинг географик асоси карта мазмунини ташкил этувчи элементларни (чегаралар, йўллар, аҳоли пунктлари, дарё, кўл, сув омборлари ва бошқлар) картада тўғри тасвирлашга ва фазовий боғлашга ҳамда карта бўйича ориентирлашга хизмат қиласи [2].

Картанинг легендаси унинг мазмунини очиб берадиган шартли белгилар ва изоҳлар тизими ҳисобланади.

Картани ўқиш ва ундан осон фойдаланиш мақсадида картада бериладиган турли хил картометрик графиклар, худудни қай даражада ўрганилганлигини кўрсатувчи схемалар, фойдаланилган материаллар (манбалар), шунингдек, бошқа ҳар хил зарур маълумотлар (карта номи, нашр қилинган жойи ва йили, нашриёт номи ва ҳ.к.) картанинг ёрдамчи жиҳозлари деб аталади [3].

Карта мазмунига мос келадиган ва ундаги маълумотларни тўлдирадиган, бойитадиган диаграммалар, жадваллар, кесма-карталар, расмлар, графиклар, мантли ва рақамли маълумотлар картанинг кўшимча элементлари ҳисобланади.

Туристик карталарни яратища дастлаб, маълумотлар базаси структурасини шакллантириш керак бўлади. Туристик карталар маълумотлар базаси 7 та таркибий қисмдан иборат.

1. Ҳудуднинг топографик маълумотлари.
2. Ҳудуд тўғрисидаги табиий географик маълумотлар.
3. Ҳудуднинг демографик ҳолати ҳақидаги маълумотлар.
4. Ҳудуднинг экологик ҳолати ҳақидаги маълумотлар.
5. Ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий кўрсдаткичлари ҳақидаги маълумотлар.
6. Ҳудуднинг геосиёсий ҳолати ҳақидаги маълумотлар.
7. Ҳудудда жойлашган диққатга сазовор туристик обектлар ҳақидаги маълумотлар.

Юқорида келтирилган структуралар орқали туристик карталар яратиш учун керак бўлиши мумкин бўлган барча маълумотлар қамраб олинади ва шу билан бирга керакли маълумотларни топиш осонлашади.

Замонавий туристик карталар дастурини тузишнинг иккита устувор вазифаси мавжуд

1. Саёҳатчилар учун мўлжалланган карталарни яратиш. Бунда асосан туристик карталарнинг мавзулари ва мазмунини кенгайтириш, умумий географик элементларни батафсилоқ тасвирлаш, табиий, қишлоқ хўжалик ва маданий-тарихий обектларни аниқ жойлаштириш, мавжуд туристик инфратузилма обектларини кенгроқ тасвирлаш, оптимал туристик (вақт, масофа, қийинчилик даражаси ва бошқалар бўйича) маршрутларни кўрсатиш, карта ва атласларнинг ахборот сифимини ошириш ва замонавий дизайнда ишлаб чиқиш асосий вазифалар сифатида кўрилади.

2. Туризм соҳасини ривожлантириш ва туризм фаолиятини тартибга солиш учун карталарни яратиш (туризм бизнеси ва туристик фирмалар учун карталар). Бундай карталарга қўйиладиган вазифалар картага туширилган ҳудудда туризмни ривожлантириш истиқболларини кўрсатиш, сайёхлар оқимини оширишга доир картодиаграммалар ишлаб чиқиш, ҳудудда хизматлар бозорининг шаклланиши, бюджетдан ажратмалар ва туризм соҳасига инвестициялар жалб этилиши йўллари ва истиқболлари тасвирланади.

Туристик карталар тузишда қўйиладиган талаблар. Картада тасвирланган обектлар жойлашуvinинг аниқлиги, обектларнинг тушунарли қилиб тасвирланиши ҳамда саёҳатчиларнинг картани ўқишилари осон бўлиши учун соддароқ тузилиши керак.

Карта дизайннда саёҳатчиларни ўзига жалб қилувчи элементларга алоҳида урғу берилиши лозим. Масалан, ранглар, ёруғлик ва обектларнинг орқа фондаги сояси ҳамда графикларга алоҳида этибор бериш лозим.

Картада машҳур инфратузилма обектлари, рекрацион обектларнинг фотосуратлари, чизмалари, улар ҳақидаги умумий маълумотлар ва турли хил бошқа маълумотномаларнинг мавжудлигига алоҳида этибор бериш керак.

Картадан фойдаланиш жараёнида турли хил вазиятларни хисобга олган ҳолда букланиши, сувга чидамлилиги, саёҳат сумкасида олиб юриш учун қулай қилиб яратиш керак.

Туризм шаклларининг хилма-хиллиги, туристик карталарнинг ҳудудий қамрови, масштаби, мазмуни жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишига олиб келади. Натижада, туристик карталар мақсади, масштаби ва мазмунига кўра таснифланади.

Туристик карталарнинг мақсади туристик ресурсларни (табиий, маданий ва тарихий туристик обектлар, жойлаштириш воситалари, дам олиш масканлари, кўнгилочар ва бошқалар) ва туристик маршрутларни картографик тасвирлаш усусллари ёрдамида саёҳатчилар учун аниқ ва тушунарли қилиб тасвирлаш ҳисобланади

Туристик карталар мазмунига кўра умумий ва ихтисослаштирилган каби турларга бўлинади. **Умумий туристик карталар** катта майдон учун тузилади, масалан 1:1 000 000 ва ундан майдароқ масштабда. Умумий географик элементлар ҳисобланган транспорт йўллари, аҳоли пунктлари, гидрологик обектлар, ўрмонлар, рельеф ва бошқа бир нечта элементлардан ташқари туристик аҳамиятга эга бўлган барча зарурий обектлар мажмуаси ҳам тасвирланади. Булар, биринчи навбатда, сайёҳларнинг ташриф буюриш мақсади бўлган обектлар (архитектура ва тарихий ёдгорликлар, қўриқхоналар, миллий боғлар, музейлар), шунингдек, инфратузилма обектлари (мехмонхоналар, туристик марказлар, ва бошқалар). Умумий туристик карталар орқали ҳудуднинг географик ўрни, чегаралари ҳақида маълумот олиш, саёҳат маршрутини танлаш, дикқатга сазовор

жойларнинг жойлашуви ва туристларга хизмат кўрсатиш тизими ҳақида умумий маълумотларни олиш мумкин. Худудий қамровига кўра умумий туристик карталар туристик обзор, туристик маршрут ва шаҳар туристик каби бирликларга бўлинади.

Туристик обзор карталар ички туризмни ривожлантириш мақсадида турли ўлчамдаги худудлар учун тузилади (масштаб 1:200000 дан 1:1000000 гача). Ушбу карталар бутун мамлакатни ёки алоҳида маъмурий-худудий бирликлар ва географик минтақалардан тортиб алоҳида муҳофаза этиладиган худудларгача қамраб олиши мумкин.

Туристик маршрут карталарида, қоида тариқасида, маршрут бўйлаб рельеф, диққатга сазовар туристик обектлар, тўхташ жойлари тасвирланса, картанинг қолган қисмида диққатга сазовор жойларнинг расмлари, матнлари ва баъзан рекламалар ҳам мавжуд бўлади. Туристик маршрут карталари одатда 1:100 000 дан 1:400 000 гача масштабларда чоп этилади.

Шаҳарларнинг туристик карталари алоҳида ёки туристик обзор ҳамда туристик маршрут карталарида ёки атласларида кўшимча сифатида нашр этилади. Қоида тариқасида, шаҳарларнинг туристик карталари худуддаги диққатга сазовор жойлар ва сайёҳлар учун маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтисослаштирилган туристик карталар саёҳатчиларнинг маълум бир қизиқиш доирасидаги соҳаларни қамраб олади. Масалан, спорт мусобақалари ўтказиладиган худудлар картаси, экстремал сув спортининг ривожланиши (каяк, канён, виндерфинг) рафтинг йўналиши бўйлаб дарёлардаги тўсиқларни, қирғоқ нишаблиги, шамол йўналиши ва тезлиги, тўлқин баландлигини ва шу каби бошқа маълумотларни берувчи карталарни қамраб олади.

Туристик картанинг аҳамияти ва вазифаси. Туристик карталар саёҳатчилар учун туристик маршрутлар, туристик обектлар ва марказларни, худуднинг табиий шароити, хизмат кўрсатиш соҳалари ва туристик ресурсларни таништиришда, худудларда туризмни ривожлантириш, туристик жозибадорликни оширишда хизмат қиласи.

Ушбу карталар шаклига (бичимига) кўра деворий, ўртacha, кичик, шунингдек чўнтак карталаридан иборат бўлади. Деворий карталар туризм ва маданий мерос агентлиги идоралари; маҳаллий ҳокимиятлар; туризм соҳасидаги халқаро ва нодавлат ташкилотлар; мактаб таълими, профессионал ва олий таълим муассасалари; ишлаб чиқариш корхоналари ходимларига мўлжалланган. Шунингдек, бу картадан олий таълим тизимида 61010400-Туризм талим йўналиши, 60530400-География талим йўналиши талабалари туризм асослари, туризм географияси, сервис географияси каби маъруза ва амалий машғулотлар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Картанинг математик асоси: туристик карталарнинг масштаби картада тасвирланган худуд кўламига кўра 1:100 000 дан 1:1 000 000 ва ундан майдага маштабда бўлиши мумкин. Картада конуссимон ва цилиндрик проексиялардан фойдаланилади. Мамурий-худудий бирликлар чегаралари тўлиқ кўрсатилади. Карта компоновкаси ишлаб чиқилади. Шартли белгилар жойи аниқланади. қирқим-карталар, дикқатга сазовор жойлар туристик обектларнинг суратлари тасвирланади.

Картанинг географик асоси. Туристик карталар яратишнинг географик асоси сифатида умумгеографик карталар, шаҳарсозлик режалари ва сунъий йўлдош тасвирлари ташкил этади. Жумладан дарёлар, йирик сойлар, кўллар, сув омборлари, транспорт ва сўқмоқ йўллари, шаҳарлар, шаҳарчалар, туман марказлари ва бошқа турдаги жой номлари ҳамда маъмурий ҳудудий бирликлар чегаралари тасвирланади. Шунингдек туристик карталарда тушунтириш белгилари, хизмат кўрсатиш обьектлари ва туристик йўналишлар рўйхати, кўча ва майдонлар рўйхати, жамоат транспорти йўналишлари ва турли хил чизмалар илова қилинади.

Ишлатиладиган картографик манбалар. Картани тузишдаги асосий картографик манба бўлиб 1:10 000 дан 1:200000 масштабгача бўлган умумгеографик карталар, топографик карталар, шаҳарсозлик карталари хизмат қиласи. Булардан ташқари ушбу картани тузишда турли масштабли мавзули карталардан, космик суратлардан, турли адабиётлар, фонд материалларидан фойдаланилади.

Туристик карталар тузишда ижтимоий-иктисодий ва табиий карта тузиш методологияларидан фойдаланилади. Туристик карталарни яратишда аввалги манбаларни таҳрирлаш ва янги маълумотлар базаси асосида янги карта тузиш ишлари бажарилади. Таҳрирлашда маълумот олиш учун туризмни ривожлантириш масалалари бўйича маҳаллий ташкилотлар вакиллари билан алоқа ўрнатиш, уларда мавжуд бўлган матн ва иллюстратив материаллар ҳисобланган фотосуратлар, чизмалар, эски карталар билан танишиш ва ҳудуднинг ҳозирги туристик имкониятларини ўрганиш натижасида маълумотлар базаси яратилади.

Туристик карталарнинг географик асоси батафсил ишлаб чиқилиши керак. Бунда табиий географик обьектларнинг (кўллар, шаршаралар, ғорлар ва бошқалар) жойлашуви аниқ тасвирланиши муҳим ҳисобланади.

Туристик карталарнинг легендаси. Туристик картани яратишда фойдаланилган барча белгилар карта легендасида келтирилади. Карта легендаси бу ҳар бир картанинг атрофига жойлаштирилган ва ушбу картада мавжуд бўлган барча белгиларни маълум бир тизим асосида, тақдим этилган картанинг қўшимча қисмидир.

Карта легендасини яратишда картани ўқиши ва текшириш босқичларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Айрим дикқатга сазовор бўлган обектларни йирикроқ шартли белгилар орқали, ўрмонлар ва чўл майдонларини эса масштабли шартли белгилар орқали тасвирлаш мақсадга муофиқ бўлади.

Картографик генерализация деб, картада тасвирланётган обектларни мақсади, масштаби ҳамда картада танланётган соҳани хусусиятларига мос равишида саралаш ва умумлаштиришга айтилади. Туристик карта тузишда картографик генерализация мухим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Туристик карталарнинг географик асосини турли даражадаги умумгеографик карталар ташкил этади. Туристик карталар хусусиятлари ва мазмунига кўра, умумгеографик картанинг маълум бир элементларини ўзида ифодалайди. Туристик карталар тузишда картографик тасвирлаш усуллари ҳисобланган *белгилар, чизиқли белгилар, изолиниялар (тенг чизиқлар), сифатли ва миқдорли ранг, жойлаштирган диаграммалар, нукталар, ареаллар, ҳаракатдаги белгилар* усулларидан фойдаланилади.

Белгилар усули карта масштабида ифодаланмайдиган обектлар жойлашган ўрнини кўрсатиш ва аниқ пунктларда жойлашган ҳодисаларни тасвирлашда қўлланилади. Белгилар усули ҳарфли белгилар, геометрик белгилар, кўргазмали белгилардан таркиб топади.

Ҳарфли белгилар айрим обект номларини бош ҳарфлар ёрдамида тасвирланади. Масалан, туристик карталарда автомобиллар учун тўхташ жойлари, санитар гигиеник худудлар ва бошқа обектлар тасвирланади.

Геометрик белгилар доира, тўртбурчак, учбурчак, ромб, квадрат ва шу каби бошқа геометрик шакллардан таркиб топади. Геометрик белгилар ёрдамида туристик карталарда бориши таъкидланган худудлар, фойдали қазилма конлари белгилари, автомобиллар учун тўхтаб туриш таъкидланадиган худудлар, темир йўл кесишмалари тасвирланади (арнберг бўйича).

Кўргазмали белгилар одатда туристик картанинг жозибадорлигини оширишда қўлланилади. Бунда туристик обектларнинг функционал вазифасидан келиб чиқиб обектнинг расми, мазкур обектда фойдаланиладиган предметлардан келиб чиқиб белги танланади. Масалан кафе ва ресторонлар жойлашган худудда тарелка ёки санчқи расмидан, археологик ёдгорликлар жойлашган худудларда уларнинг суратларидан, соҳил бўйларида пляжлар учун қуёш ва сояблардан фойдаланилади. Мазкур белгилар пиктограмма деб ҳам юритилади.

Чизиқли белгилар ёрдамида туристик карталарда узунасига давом этган кенглиги карта масштабида ифодаланмайдиган чизиқ бўйлаб жойлашган обектларни тасвирланади. Масалан, сувайирғич чизиқлари, сиёсий ва маъмурий чегаралар, туристик маршрутлар ва

экотуристик сўқмоқлар, транспорт йўналишлари, этнографик ёки археологик ҳудудлар чегараларини, дарё, кўл ва денгизларнинг қирғоқ чизиқлари тасвирланади [4].

Изолиниялар (тeng чизиқлар) карталарда воқеа ва ҳодисаларнинг миқдор кўрсаткичи асосида бир ҳил қийматга эга нукталарни бирлаштирувчи чизиқларга изолиниялар дейилади. Туристик карталарда изолиниялар орқали ҳудуддаги ҳаво ҳарорати ва босими бир ҳил бўлган нукталар, қор қалинлиги бир ҳил миқдорга эга бўлган ҳудудларни, шунингдек рекреацион ҳудудларга бўлган туристик юк ҳажми тасвирланади.

Миқдорли ранг усули картада тасвирланаётган ҳудуд чегарасида тасвирланаётган воқеа ва ҳодисани маълум бир миқдор кўрсаткичи бўйича қисмларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини майдонли график воситалар ёрдамида қоплаш ёки тўлдириш йўли билан ўша ҳодисанинг миқдор фарқлари тасвирланади [5]. Туристик карталарда баландлик ва чуқурлик шкалавари миқдорли ранг усули орқали тасвирланади.

Нукталар усули билан картада тарқоқ жойлашган воқеа ва ҳодисаларни бир ҳил миқдор бирликларида белгилайдиган ҳамда уни жойланиши ва тўпланишига мос жойлаштириладиган бир ҳил ўлчамдаги нукталар билан тасвирланади. Бунда дастлаб битта нуқта қандай бирликни ифода этиши аниқлаб олинади. Агротуристик карталарда экин майдонларини, мевали боғ майдонларини, аҳоли пунктларини аҳоли сони бўйича тасвирлашда нуқтали тасвирлаш усулидан фойдаланилади.


Ареаллар усули картографияда жуда кенг тарқалган бўлиб, деярли ҳар бир туристик картада маълум рекреацион хусусиятлари бир-биридан фарқ қилувчи ҳудудий бирликларни ажратиб кўрсатиш учун қўлланилади. Масалан, ареаллар усули картада маҳаллий ва рекреацион тизимлар чегараларини, алоҳида курорт зоналар ва бошқаларни кўрсатиш учун кенг қўлланилади.

Картодиаграмма усули картада бирор ҳодисанинг жамланган мутлақ рақамли қийматини, картада кўрсатилган маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича тақсимланишини диаграммалар ёрдамида тасвирлаш усулига картодиаграмма дейилади [6]. Картодиаграммалар ёрдамида сайёҳларнинг таширифи, ҳизмат кўрсатиш тармоқларига тегишли бўлган статистик маълумотларни тасвирлаш мумкин.

ХУЛОСА

Туристик карталарда картадан ташқари бўш жойлардан унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бизнингча, мазкур жойларда қирқим-карталар, жадваллар, графиклар, матнлар, машҳур туристик ва рекреацион обектлар суратлари берилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур қирқим-карталарда ҳудуддаги меҳмонхона, меҳмон уйлари, соғломлаштириш масканлари, умумий овқатланиш масканлари, ғорлар, шаршаралар, дарё ва сой қирғоқларидағи рекреацион обектлар жойлашуви, уларга олиб борувчи маршрутларни

бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида келтирилган туристик карта дастури асосида Чорвоқ эркин туристик зонасининг туристик картаси яратилди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Т. Мирзалиев, Э. Сафаров Карташунослик Т. 2012 6 б
2. Р. К. Махмудов, А. А. Черкасов, Н. В. Верозуб Геоинформационное проектирование и дизайн крупномасштабных туристических карт. Россия Науки о Земле 2019.
3. K. Nikolas Creation of a Digital Interactive Tourist Map with the Contribution of GPS and GIS Technology to Visualization of the Information. Academia.edu 2007
4. А. А. Грушин, П.Г. Ярослава Разработка универсальной системы условных знаков для туристских веб-карт на примере туристской карты Пермского края Россия Науки о Земле 2019.
5. T. Mirzaliyev, E.Y. Safarov, A. Egamberdiyev, J.S. Qoraboyev kartashunoslik Toshkent 2012yil 46-bet